

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-2



ТОШКЕНТ-2022

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2022-SI-2>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

д.ю.н., проф.
(Doctor of Law, Professor)
Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

д.ю.н., доцент
(Doctor of Law, Associate professor)
Файзиев Шохруд Фармонович

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines

ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев
ю. ф. д., проф. Аҳмедшаева Мавлюда
ю. ф. д., проф. Муҳиддинова Фирюза
ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё
ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto (Japan)
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян
(Республика Армения)

12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right

ю. ф. д. Гулчехра Маликова
ю. ф. д. Хусанов Озод
ю. ф. н. Хван Леонид Борисович
ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee (South Korea)
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна
(Российская Федерация)

12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law

юридик фанлар доктори, профессор
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист Оқюлов Омонбой,
Рузиев Рустам, Рузиназаров Шухрат,
Шомухамедова Замира, Баратов
Миродил, Бобокул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation

юридик фанлар доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист Эсанова Замира
Нормуродовна, Мамасидиков Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

12.00.05 - Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law

ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна
ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич
ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза
ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб
(Российская Федерация)

12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
юрис т ю.ф.н, доц. Скрипников Николай
Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади
Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов
Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш
Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич
(Российская Федерация)

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович,
Ю.ф.д. Саломов Баҳром Саломович,
ю.ф.д., проф. Салаев Нодирбек Сапарбаевич
(Тошкент давлат юридик университети)

James V. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ)
д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон
Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин
(Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей
Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н., проф.
Кудрявцев Владислав Леонидович (Российская
Федерация)

**12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи /
Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право /
Criminal law and criminology; Criminally-executive law**

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган юрист,
ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп
Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда
Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам
Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход,
ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин,

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат
Раҳмаджонович (Республика Таджикистан),
д.ю.н., проф. Елене Антонян Александровна
(Российская Федерация), д.ю.н., проф.
Джансараева Рима Ернатовна (Республика
Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

**12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси /
Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal
procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination**

Ю.ф.д., проф. Иноғомжонова Зумратхон
Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий
Сайфиевич, ю.ф.д. Муҳиддинов Фахриддин,
ю.ф.д., проф. Тўлаганова Гулчехра Заҳитовна,
ю.ф.д. Миразов Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany),
д.ю.н., проф. Стойко Николай Геннадьевич
(Российская Федерация), Проф. Рыжаков
Александр Петрович (Российская Федерация),
д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров (Республика
Таджикистан), Проф. Сергей Пен (Республика
Казахстан), доц. Алексей Пурс (Республика
Беларусь)

12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law

ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодир,
ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра,
ю.ф.д., проф. Юлдашева Говхержан

Alexander Trunk (Germany)


Мусаҳҳих: Нурмуҳаммад Ҳамидов

Дазайн - саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


1. Қурбонов Рамзбек Маматкаримович “ULTRA VIRES” ДОКТРИНАСИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ: ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТИ.....	5
2. Ачилов Муртаза Хатамович ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.....	15
3. Мамаева Макбал ИММУНИТЕТ (НЕПРИКОСНОВЕННОСТЬ) АДВОКАТА.....	23
4. Алланова Азизахон Авазхоновна ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ВА ОҒИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР.....	35
5. Алоев Улуғбек Махмудович КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАСИ.....	44
6. Бобомуродов Фарход Боймуротович ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	54
7. Ҳакимов Комил Бахтиярович ОНАНИНГ ЎЗ ЧАҚАЛОҒИНИ ҚАСДДАН ЎЛДИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ ВА УНИ ТУШУНИШ БЎЙИЧА ДОКТРИНАЛ ҲАМДА АМАЛИЙ ЁНДАШУВЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	65
8. Бекмуродов Нормурод Некмуродович ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ НАТИЖАЛАРИДАН ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ИСБОТ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР.....	74
9. Ботаев Мурод Джуманшикович ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ШАХС ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУАММОЛАР.....	81
10. Рустамов Собир Алишерович ЖИНОЯТ ИШНИ ЮРИТИШДА СУД НАЗОРАТИ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ.....	88
11. Суванов Сардор Бахадирович СУД МУҲОКАМАСИДА АЙБЛОВДАН ВОЗ КЕЧИШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУАММОЛАР.....	96
12. Азходжаева Роза Алтыновна ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ВСЕМИРНОЙ ТОРГОВОЙ ОРГАНИЗАЦИИ И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ.....	104



Алоев Улуғбек Махмудович,
 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура
 Академияси мустақил изланувчиси,
 E-mail: umiulugbek@mail.ru

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАСИ

For citation: Alov Ulugbek Makhmudovich. ASSESSMENT OF THE EFFECT OF LEGAL DOCUMENTS IN THE FIGHT AGAINST CORRUPTION. Journal of Law Research. 2022, Special issue 2, pp.44-53

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6759842>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мустақилликнинг ўтган даврдан бугунги кунга қадар миллий қонунчиликда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш институтининг ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Мақолада ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари ва камчиликлари очиқ берилган. Хусусан, тартибга солиш сиёсатини таҳлил қилиш бўйича тегишли восита ва усуллари кўрсатилган. Шунингдек, тартибга солиш таъсирини баҳолаш энг аввало, ҳукумат даражасида қабул қилинаётган қарорларда давлат органлари томонидан тадбиркорларга кераксиз ва ортиқча харажатлар юкланаётганлигини баҳолаш нуқтаи-назаридан самарали механизм эканлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: тартибга солиш таъсирини таҳлил қилиш, қонун ҳужжатлари лойиҳалари, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, атроф муҳитга таъсирни баҳолаш, қонун ҳужжатларининг коррупцияга қарши таъсирини баҳолаш, норма ижодкорлиги, нодавлат ташкилотлар, қонун лойиҳаси концепцияси ва б.

Алоев Улуғбек Махмудович,
 Самостоятельный соискатель Академии
 Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан,
 E-mail: umiulugbek@mail.ru

ОЦЕНКА ДЕЙСТВИЯ ПРАВОВЫХ ДОКУМЕНТОВ В БОРЬБЕ С КОРРУПЦИЕЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются этапы развития института оценки воздействия законодательства в национальном законодательстве с периода объявления независимости до наших дней. В статье раскрываются специфические особенности и недостатки каждого этапа. В частности, представлены соответствующие инструменты и методы анализа регуляторной

политики. В ней также говорится, что оценка регулирующего воздействия является эффективным механизмом, в первую очередь с точки зрения оценки того, что государственные органы возлагают на предпринимателей ненужные и чрезмерные затраты в государственных решениях.

Ключевые слова: анализ регулятивного воздействия, проекты актов законодательства, действующие нормативно-правовые акты, оценка воздействия на природу, оценка воздействия актов законодательства на коррупцию, норматворчество, негосударственные организации, концепция проекта закона и др.

Aloev Ulugbek Makhmudovich,
Independent Researcher of Academy
of Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan
E-mail: umiulugbek@mail.ru

ASSESSMENT OF THE EFFECT OF LEGAL DOCUMENTS IN THE FIGHT AGAINST CORRUPTION

ANNOTATION

This article analyzes the stages of development of the institute for assessing the impact of legislative acts in national legislation from the past period of independence to the present day. The article reveals the specific features and disadvantages of each stage. In particular, relevant tools and methods for regulatory policy analysis are presented. It also states that regulatory impact assessment is an effective mechanism, primarily in terms of assessing whether public authorities impose unnecessary and excessive costs on entrepreneurs in public decisions.

Keywords: regulatory impact analysis, draft legislation, current regulations, environmental impact assessment, assessment of the impact of legislation on corruption, rule-making, non-governmental organizations, the concept of a draft law, etc.

“Коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш” миллий қонунчиликдаги нисбатан ёш институтлардан бири ҳисобланади.

Унинг негизи бевосита “таъсирни баҳолаш” институтига бориб тақалишини инобатга олиб, дастлаб мазкур институтнинг келиб чиқиш тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Тартибга солиш таъсирини таҳлил қилиш (Regulatory Impact Assessment - RIA) биринчи маротаба 1981 йилда АҚШда давлатнинг иқтисодиётда иштирокини қисқартириш ҳақидаги неолиберал сиёсат доирасида пайдо бўлган [1]. Кейинчалик 1985 йилда Австралияда ҳам тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти амалиётга татбиқ этила бошланган [2].

Ўз навбатида АҚШ ва Австралияда тартибга солиш таъсирини баҳолаш самарали йўлга қўйилгандан сўнг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) бошқа аъзо давлатларга ҳам мазкур институтни босқичма-босқич жорий этишни тавсия этди ҳамда услубий жиҳатдан кўмаклашиб борди. Натижада 2000 йилга келиб, мазкур ташкилотга аъзо давлатларнинг 28 тасидан 20 тасида тартибга солиш таъсирини баҳолаш билан боғлиқ талаблар белгиланди.

Ҳозирда ИХТТга аъзо барча давлатларда тартибга солиш таъсирини баҳолаш жорий этилган. Бунда ИХТТ тартибга солиш таъсирини баҳолаш тушунчасини амалдаги ва таклиф этилаётган қоидаларнинг ижобий ва салбий оқибатларини баҳолашга бўлган тизимли ёндошув сифатида изоҳлайди [3].

Шу билан бирга, тартибга солиш таъсирини баҳолаш коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш институтидан фарқ қилишини қайд этиш жоиз.

Хусусан, тартибга солиш сиёсатини таҳлил қилиш бўйича таниқли мутахассис Скотт Джейкобснинг таъкидлашича ушбу институт қуйидаги восита ва усулларни ўз ичига олади:

- 1) ҳукуматнинг фаолиятидан келиб чиқувчи тизимли ва босқичма-босқич оқибатлар;

2) бундай оқибатлар ҳақида қарор қабул қилувчи шахсларга маълумотлар тақдим этиш[4].

Шундай экан, тартибга солиш таъсирини баҳолаш энг аввало, ҳукумат даражасида қабул қилинаётган қарорларда давлат органлари томонидан тадбиркорларга кераксиз ва ортиқча харажатлар юкланаётганлигини баҳолаш нуқтаи-назаридан самарали механизм ҳисобланади. Жумладан, Буюк Британияда тадбиркорлик секторидаги эҳтимолий харажатлар тўғрисида вазирликларни хабардор қилишга мўлжалланган “харажатлар мослигини баҳолаш”дан (Compliance Cost Assessment) фойдаланилади.

Ўз навбатида эса, тадбиркорларга юкланаётган ортиқча харажатлар қонун ҳужжатларининг коррупцияга қарши таъсирини баҳолашда ўрганиладиган элементлардан бирини ташкил қилади.

Қолаверса, тартибга солиш таъсирини баҳолашда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки уни лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатлар баҳоланади[5].

Гувоҳ бўлганимиздек, тартибга солиш таъсирини баҳолаш билан коррупцияга қарши таъсирини баҳолаш институти ўзаро ўхшаш бўлиб кўринсада, улар турли масалалар юзасидан тадқиқот олиб бориши сабабли бир-биридан фарқ қилади.

Амалдаги қонун ҳужжатларида тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтидан дастлаб “атроф муҳитга таъсирни баҳолаш” [6] кейинчалик эса, “импортнинг таъсирини баҳолаш” [7], “иқтисодиётга таъсирини баҳолаш” [8], “иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишга таъсирини баҳолаш”[9], “маҳаллий бюджет даромадларига кутилаётган таъсирини баҳолаш”[10], “тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш” [11], “қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш” [12] сифатида кенг қўлланилганлигини таъкидлаш жоиз.

Умуман олганда миллий қонунчиликдаги “таъсирни баҳолаш” институтига оид нормаларни таҳлил қилар эканмиз уларнинг ривожланиш босқичларини шартли равишда 3 га ажратиш мумкин. Бунда ҳар бир босқич ўзига хос хусусиятлар билан бир-биридан ажралиб туради.

Биринчи босқич 1991-2008 йилларни ўз ичига олган бўлиб, ушбу босқични “таъсирни баҳолаш” институти дастлабки ҳуқуқий асосларининг шаклланиши билан изоҳлаш мумкин.

Хусусан, ушбу босқичда “таъсирни баҳолаш” институти дастлаб “атроф муҳитга таъсирни баҳолаш” тарзида Вазирлар Маҳкамасининг 07.02.1997 йилдаги 67-сон қарор билан тасдиқланган “Лойиҳаларни танлаб олиш ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун жалб қилинаётган хорижий кредит линиялари ҳисобига кичик ва ўрта корхоналарга кредитлар бериш тартиби”да қўлланилган.

Ушбу тартибда инвестиция таклифларининг ташаббускорлари зарур ҳолларда инжиниринг ва консалтинг компанияларини жалб этган ҳолда инвестиция олди текширувларини амалга оширишда лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича текширишлари белгиланган[13].

Кейинчалик “атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш” институти Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2001 йилдаги 491-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низом”[14], 30.06.2003 йилдаги “Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва маҳсулот тақсимотида оид битимлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича махсус давлат комиссиясининг таркиби тўғрисида”ги 295-сонли қарори[15] ва бошқа ҳужжатларда ҳам қўлланилган.

Шу билан бирга, биринчи босқичдаги таъсирини баҳолаш, хусусан “атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш” институтига оид нормаларни таҳлил қилиш жараёнида ушбу босқичга хос бўлган қуйидаги хусусиятлар аниқланди:

– “атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш” талаб этиладиган ҳолатларнинг аниқ мезонлари ва асослари қонунчиликда назарда тутилмаган;

– атроф-муҳитга таъсирни баҳоловчи субъектлар, уларга нисбатан қўйилган талаблар, шунингдек баҳолашни амалга ошириш механизми ёки тартиби бирорта норматив-ҳуқуқий

ҳужжатда белгиланмаганлиги сабабли қонунчиликда белгиланган мазкур талабга қанчалик риоя этилганлигини аниқлашнинг имкони йўқ.

Миллий қонунчиликдаги “таъсирни баҳолаш” институтига оид нормалар ривожланишининг иккинчи босқич 2008-2016 йилларни ўз ичига олиб, у “таъсирни баҳолаш” институтининг турли соҳаларга кириб келиши ва баҳолашни амалга ошириш механизмларининг шаклланиши билан биринчи босқичдан ажралиб туради.

Ўз навбатида иккинчи босқичнинг бошланишини Вазирлар Маҳкамасининг 26.12.2008 йилдаги “Қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 281-сонли қарорининг қабул қилиниши билан боғлаш мумкин[16].

Чунончи, айнан ушбу қарор билан Махсус ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланиб, уларнинг вазифалари белгилаб берилди ҳамда миллий қонунчиликка 2009 йилда “қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими”ни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ушбу қарорнинг аҳамияти ҳақида сўз юритар экан бир гуруҳ мутахассислар қайд этилган қарорнинг амалий натижаси сифатида бир қатор, жумладан “Рақобат тўғрисида”ги, “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатлари лойиҳалари ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари тажрибадан ўтказилганлигини таъкидлайдилар[17].

Бироқ эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тажриба билан боғлиқ маълумотларни бирорта очик манбалар орқали ҳам топишнинг имкони бўлмади.

Бу ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамасининг 26.12.2008 йилдаги қарори билан “қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими” миллий қонунчиликка жорий этилганлигини, ушбу тизим доирасида муайян натижаларга эришилганлигини шубҳа остига қўяди.

Шу билан бирга, мутахассислар томонидан мазкур қарорнинг асосий натижаси сифатида атиги “қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими” элементларини ўзлаштириш бўйича ўқув машғулотлари ўтказилганлиги ва унга оид тегишли материаллар чоп этилганлиги эътироф этилади[18].

Ўз навбатида, юқорида қайд этилган қарор ва у билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг бирорта бандида ҳам коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар борасида сўз юритилмаганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Миллий қонунчиликда “қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими”ни жорий этишнинг иккинчи босқичидаги яна бир муҳим ислохотлардан бирини Вазирлар Маҳкамасининг 02.12.2014 йилдаги “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 328-сонли қарори ташкил этади.

Мазкур қарорга мувофиқ 2015 йил 1 январдан янги тартиб жорий этилиб, унда тадбиркорлик фаолиятига таъсир этадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳалари ушбу ҳужжатларни ишлаб чиқувчилар томонидан Интерактив давлат хизматлари ягона порталида (my.gov.uz) муҳокама қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун жойлаштирилиши, берилган таклифларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқувчилар кўриб чиқишлари назарда тутилди[19].

Қолаверса, қайд этилган ҳужжат билан Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Эътиборлиси, унда илк маротаба норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва улар лойиҳаларининг коррупцияга таъсири билан боғлиқ қоидалар назарда тутилди.

Хусусан, низомнинг 3-бандида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш мақсадларидан бири сифатида коррупция содир этиш учун шароит яратадиган қоидаларни аниқлаш эканлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, юқорида келтирилган низомга 3 ва 4-иловалардаги сўровномаларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда улар лойиҳаларини коррупцияга қарши таъсирини баҳолашга оид қоидалар киритилди.

Масалан, қайд этилган низомнинг 3-иловасидаги ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари муҳокамаси иштирокчилари учун сўровноманинг 7-бандида таклиф этиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида коррупция содир этилиши учун

шароит яратадиган қоидалар борлиги, бунда ҳар бир кўрсатилган қоида бўйича асослаб бериш ҳақида тақлиф белгиланган.

Бироқ бизнингча, ушбу сўровномадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган қоида бор ёки йўқлиги, агар бўлса уни асослаб бериши ҳақидаги талаб ноўрин бўлиб, бунда сўровномада иштирок этган ҳар қандай фуқаро ҳам мазкур талабнинг моҳиятини тушунавермайди ёки ўзининг фикрини тўлақонли асослаб бера олмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 17.10.2016 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 345-сон қарорининг қабул қилиниши миллий қонунчиликда “қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими”ни такомиллаштиришда навбатдаги муҳим қадам бўлиб хизмат қилди.

Чунончи, мазкур қарор билан “Қонун лойиҳаси концепциясига, қонун лойиҳасига илова қилинадиган тушунтириш хати, таҳлилий ва ахборот материалларига қўйиладиган асосий талаблар” тасдиқланган бўлиб, унда тартибга солиш тизимини баҳолаш билан боғлиқ талаблар белгиланди.

Хусусан, талабларнинг 6-бандида қонун лойиҳаси концепциясининг таркибий қисми ҳисобланган умумий тавсифи ва унинг ҳолатини баҳолаш қисмида ушбу соҳада амал қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳолати, хусусан қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар ва зиддиятлар, эскирган, амалда ўз аҳамиятини йўқотган, самарасиз ёхуд амалга ошириш механизмига эга бўлмаган қоидаларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг мавжуд камчиликларини бартараф этишнинг оқилона ва энг самарали усуллари акс этган бўлиши назарда тутилди.

Миллий қонунчиликдаги “таъсирни баҳолаш” институти ривожланишининг иккинчи босқичига хос бўлган асосий хусусиятлар сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

а) айнан иккинчи босқичда миллий қонунчиликка “қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими” институти жорий этилди ва бу борада дастлабки тажрибалар амалга оширилди;

б) ушбу босқичда тадбиркорлик фаолиятига таъсир этадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини Интерактив давлат хизматлари ягона порталида (my.gov.uz) муҳокама қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун жойлаштириш амалиёти йўлга қўйилди;

в) мазкур босқичда илк маротаба қонун лойиҳаси концепциясига тартибга солиш тизимини баҳолаш билан боғлиқ талаблар Ҳукумат қарори даражасида белгиланди.

Шу билан бирга, ушбу босқичга хос бўлган айрим камчиликлар яққол кўзга ташланишини эътироф этиш жоиз. Улар жумласига, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими жорий этилганлиги билан боғлиқ бирорта маълумотнинг очиқ манбаларда мавжуд эмаслиги, баҳолаш тизимининг қонуности ҳужжатлари доираси билан чекланиши кабиларни киритиш мумкин.

Миллий қонунчиликдаги “таъсирни баҳолаш” институтига оид нормалар ривожланишининг учинчи босқичи 2017 йилдан бошланиб, ушбу босқични таъсирни баҳолаш институтининг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқиши ва миллий ҳуқуқий тизимга қонун ҳужжатларининг коррупцияга қарши таъсирини баҳолаш тизимининг жорий этишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши билан изоҳлаш мумкин.

Алоҳида қайд этиш жоизки, коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимини такомиллаштиришда 2017 йилдан бошлаб мамлакатимиз тарихида янги босқични бошлаб берди. Чунончи, айнан учинчи босқичдан бошлаб, юртимизда коррупцияга қарши курашиш сифат жиҳатдан янги босқичга чиқди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар

стратегияси”нинг қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган 2-бўлимнинг устувор вазифаларидан бири этиб коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш белгиланган.

Бунда Давлат раҳбари томонидан тасдиқланган ушбу ҳужжатда коррупцияга қарши курашиш ҳам ташкилий ҳам ҳуқуқий чора-тадбирлар олиб борилишининг белгиланиши мамлакатда коррупцияга қарши курашишда қатъий чоралар кўрилиши борасида давлат хизматчиларига ўзига хос сигнал бўлиб хизмат қилди.

Ушбу йўналишдаги навбатдаги муҳим қадам сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2017 йилдаги ПФ–5037-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этилишини баҳолаш мумкин[20].

Мазкур Фармон билан Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг асосий вазифаларидан бири этиб, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш белгиланди.

Учинчи босқичдаги навбатдаги муҳим ислоҳот сифатида қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тўғрисидаги хулосани бериш бўйича ваколатли органнинг белгиланганлигини эътироф этиш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.06.2017 йилдаги “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5087-сонли Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тўғрисидаги хулосани бериш бўйича ваколатли орган ҳисобланиши белгиланди[21].

Нодавлат ташкилот ҳисобланган Савдо-саноат палатасига қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш ваколатининг берилиши қонунчилик ҳужжатларига нодавлат сектори позициясидан баҳолаш имконини берди.

Миллий қонунчиликдаги “таъсири баҳолаш” институтига оид нормалар ривожланишининг учинчи босқичда давлат органларининг қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш борасидаги ваколатларини такомиллаштиришга ҳам эътибор қаратилди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2018 йилдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий асослари такомиллашувида муҳим туртки бўлиб хизмат қилди.

Унда норма ижодкорлигида “ақли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш йўналишининг асосий вазифаларидан бири этиб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг самарали усуллари ва методологиясини мазкур тартиб-таомилни қонун ҳужжатларининг таъсирини баҳолаш тизимининг узвий элементи сифатида белгилаган ҳолда татбиқ этиш белгиланди.

Шу билан бирга, йилдан-йилга қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш институтига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ушбу масала билан ҳукумат даражасида шуғулланишни тақозо этди.

Шу сабабли, Вазирлар Маҳкамасининг 12.03.2019 йилдаги 212-сонли қарори билан тасдиқланган “Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси тўғрисида”ги низомда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш билан боғлиқ алоҳида вазифалар юклатилди.

Хусусан, низомда Юридик таъминлаш бошқармаси зиммасига ишлаб чиқиладиган лойиҳалар ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш вазифаси ва уни амалга ошириш механизмлари белгиланди.

Чунончи, низомда Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси таркибида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлими фаолият юритиши, тартибга солиш таъсирини баҳолашни ўтказиш тартиби назарда тутилди.

Ундан ташқари, мазкур низомга илова сифатида ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашни ўтказиш схемаси ҳам белгиланди.

Бу эса, ўтган йиллар мобайнида қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларидаги ушбу жараёни амалга ошириш механизмининг норматив-ҳуқуқий ҳужжат даражасида тартибга солишга хизмат қилди.

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган тартиб ва схемада ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича умумий қоидалар назарда тутилган бўлсада, қонун ҳужжатларининг айнан коррупцияга қарши таъсирини баҳолаш ҳақидаги алоҳида қоидалар белгиланмаганлигини таъкидлаш жоиз.

Ўз навбатида қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш масаласига ҳукумат даражасида алоҳида эътибор қаратилганлигининг яна бир яққол исботи сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 22.03.2019 йилдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти 7-иловасида “Ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш схемаси” белгиланганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Бироқ Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида ҳам тартибга солиш таъсирини баҳолаш борасида умумий қоидалар назарда тутилган бўлиб, қонун ҳужжатларининг айнан коррупцияга қарши таъсирини баҳолаш билан боғлиқ бирорта қоида белгиланмаган.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш масаласига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратиладиганлигини таъкидлаш жоиз.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарори билан Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичлари тасдиқланган бўлиб, унда коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилганлиги ва ўз вақтида янгилаб борилиши индикатори ҳам назарда тутилган. Албатта мазкур ҳужжат бевосита муайян соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлмасада, тегишли давлат органи фаолияти билан боғлиқ қонунчилик ҳужжати бўлиши мумкин.

Умуман олганда учинчи босқичга хос бўлган қуйидаги асосий жиҳатларни санаб ўтиш мумкин:

1) ушбу босқичда нодавлат сектордаги субъектларга қонун ҳужжатларининг таъсирини баҳолаш борасида қатор ваколатлар берилди;

2) учинчи босқичда давлат органлари зиммасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таъсирини баҳолаш бўйича вазифалар юклатилди, Ҳукумат даражасида ушбу йўналиш учун масъул бўлган алоҳида бўлим ташкил этилди.

Шу билан бирга, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича умумий қоидалар назарда тутилган бўлсада, бевосита коррупцияга қарши таъсирини баҳолаш билан боғлиқ қоидалар белгиланмаганлиги учинчи босқичда сақланиб қоладиган салбий ҳолатлардан бири сифатида эътироф этиш жоиз.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Building an Institutional Framework for Regulatory Impact Analysis (RIA):Guidance for Policy Makers. https://www.oecd-ilibrary.org/governance/building-an-institutional-framework-for-regulatory-impact-analysis-ria_9789264050013-en

2. Qunduz Rozimova. Some Features of Improving the Penal Institution for Several Crimes in the Criminal Law of Uzbekistan in the Fight against Corruption. Journal Of Adv Research in Dynamical & Control. Vol. 12, Issue-02, 2020. – DOI:10.5373/JARDCS/V12SP2/SP20201071
3. Капогузов Евгений Алексеевич, Альжаханова Камила Женыскызы, Тлеубергенов Шынгыс Агламулы. Оценка регулирующего воздействия как импортируемый институт: опыт реформ в странах ЕАЭС. Государственное и муниципальное управление. Ученые записки СКАГС. 2016. № 3. <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-reguliruyuschego-vozdeystviya-kak-importiruemyy-institut-opyt-reform-v-stranah-eaes> (Kapoguzov Evgeny Alekseevich, Alzhakhanova Kamila Zhenyskyzy, Tleubergenov Shyngys Aglamuly. Regulatory impact assessment as an imported institution: the experience of reforms in the EAEU countries. State and municipal administration. Scientific notes of SKAGS. 2016. No. 3 <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-reguliruyuschego-vozdeystviya-kak-importiruemyy-institut-opyt-reform-v-stranah-eaes>)
4. Qunduz Rozimova. Some Features of Improving the Penal Institution for Several Crimes in the Criminal Law of Uzbekistan in the Fight against Corruption. Journal Of Adv Research in Dynamical & Control. Vol. 12, Issue-02, 2020. – DOI:10.5373/JARDCS/V12SP2/SP20201071
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг, 31.03.2021 йилда рўйхатдан ўтган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти ҳамда ҳисобот шакллари тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи, рўйхат рақами 3292. <https://lex.uz/docs/5350096> (Order of the Minister of Justice of the Republic of Uzbekistan, registered on 31.03.2021 "On approval of the methodology for assessing the regulatory impact of draft regulations and adopted regulations and reporting forms", registration number 3292. <https://lex.uz/docs/5350096>)
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.06.2007 йилдаги “Ер қабри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-649-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 27.10.2009 йилдаги “Гишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат ва саноат асосида кавлаб олиш учун ер қабри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар беришнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 284-сон қарори <https://lex.uz/docs/1532534> ва б. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated 07.06.2007 No PP-649 "On measures to improve the procedure for issuing licenses for the right to use subsoil", the Cabinet of Ministers dated 27.10.2009 Resolution No. 284 "On approval of the Temporary Regulations on the simplified procedure for issuing licenses for the right to use subsoil plots for mining on the basis of)
7. Вазирлар Маҳкамасининг 19.05.2005 йилдаги “Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 129-сон қарори <https://lex.uz/docs/598068> (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated 19.05.2005 No 129 "On measures to implement the Law of the Republic of Uzbekistan" On protection measures, antidumping and countervailing duties "https://lex.uz/docs/598068)
8. Вазирлар Маҳкамасининг 07.06.2007 йилдаги “Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 110-сон қарори <https://lex.uz/docs/1217683> (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated 07.06.2007 No 110 "On approval of the Regulation on the procedure for development, examination and approval of documents of investment projects" <https://lex.uz/docs/1217683>)
9. Вазирлар Маҳкамасининг 14.01.2008 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 6-сон қарори. <https://lex.uz/docs/1302134> (Resolution of the Cabinet of Ministers No. 6 of 14.01.2008 "On

- approval of the Regulation on the Joint Information and Analysis Department of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on Economy and Foreign Economic Relations". <https://lex.uz/docs/1302134>)
10. Вазирлар Маҳкамасининг 02.10.2012 йилдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 281-сон қарори. <https://lex.uz/docs/2058759> (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated 02.10.2012 No 281 "On approval of the Regulations on the procedure for granting benefits by local authorities to certain categories of legal entities on property tax, land tax, single land tax and tax on improvement and development of social infrastructure" . <https://lex.uz/docs/2058759>)
 11. Вазирлар Маҳкамасининг 02.12.2014 йилдаги “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 328-сон қарори <https://lex.uz/docs/2509053> (Resolution of the Cabinet of Ministers No. 328 of 02.12.2014 "On measures to introduce a system for assessing the impact of legislation on entrepreneurial activity" <https://lex.uz/docs/2509053>)
 12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036> (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated 07.02.2017 No. PF-4947 "On the Action Strategy for further development of the Republic of Uzbekistan". <https://lex.uz/docs/3107036>)
 13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун хорижий кредитлар беришни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 07.02.1997 йилдаги 67-сон қарори. <https://lex.uz/docs/433943> (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 67 of 07.02.1997 "On the organization of foreign lending for the development of small and medium enterprises." <https://lex.uz/docs/433943>)
 14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 31.12.2001 йилдаги 491-сон қарори. <https://lex.uz/docs/377197> (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 491 of 31.12.2001 “On approval of the Regulation on State Ecological Expertise in the Republic of Uzbekistan”. <https://lex.uz/docs/377197>)
 15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва маҳсулот тақсимотида оид битимлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича махсус давлат комиссиясининг таркиби тўғрисида”ги 30.06.2003 йилдаги 295-сон қарори. <https://lex.uz/docs/245231> (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 295 of 30.06.2003 "On the composition of the special state commission for the development of conditions for the use of subsoil and consideration of draft agreements on product sharing." <https://lex.uz/docs/245231>)
 16. Қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 26.12.2008 йилдаги 281-сон. <https://lex.uz/docs/1420990> (On measures to introduce a system of legislative evaluation. Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 281 of December 26, 2008 <https://lex.uz/docs/1420990>)
 17. Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими: амалий қўлланма. / Ф.Мухаммедов ва бошқалар. – Тошкент: Baktria press, 2016. – Б. 71-72. (Legislative Impact Assessment System: A Practical Guide. / F.Muhammedov and others. - Tashkent: Baktria press, 2016. - Б. 71-72)
 18. U Alovev, Q Rozimova. Anti-Corruption Agency and Anti-Corruption Examination of normative legal acts: Compar-ative Analysis. European Journal of Molecular and Clinical Medicine - ejmcm.com

19. Вазирлар Маҳкамасининг 02.12.2014 йилдаги “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 328-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/2509053> (Resolution of the Cabinet of Ministers No. 328 of 02.12.2014 "On measures to introduce a system for assessing the impact of legislation on entrepreneurial activity." <https://lex.uz/docs/2509053>)
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2017 йилдаги ПФ–5037-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 333-модда (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5037 dated 05.05.2017. Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 19, Article 333)
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.06.2017 йилдаги “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5087-сонли Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.04.2021 й. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5087 of 19.06.2017 "On measures to radically improve the system of state protection of legitimate interests of business and further development of entrepreneurial activity." National Database of Legislation, 22.04.2021)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000